

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОРОЛ МАДАНИЯТ САММИТИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

(в) барқарор ечимлар ва стратегиялар яратишга қаратилган таълим дастури асосида Орол мактабини ташкил этиш;

(з) халқроқ миқёсда доимий мулоқотлар, амалиётлар, семинарлар, тадқиқот дастурларини ташкил этиш.

(е) Саммит доирасидаги тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда ободонлаштириш ва кўкалмақдорлаштириш ишлари амалга оширилишини ҳамда объектлар ва меҳмонхона фондининг тайёрлигини таъминласин;

(б) Саммитта ташриф буярадиган делегация аъзолари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати қондаларига мувофиқ хамроҳлик қилиш чораларини кўрсин.

(а) "Uzbekistan Airways" АЖГА чет эллик иштирокчилар учун халқроқ ва маҳаллий рейсларга авиачипталарнинг банд қилинишини таъминласин;

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Жамғарма билан биргаликда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун барча зарур шарт-шароитларга эга бўлган Саммит матбуот маркази фаолиятини самарали йўлга қўйсин, шунингдек, тадбирнинг юқори савияда халқроқ миқёсда кенг ёриштириш учун хорижий оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТА ФАОЛИЯТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

Қўмига халқроқ ва хорижий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, соҳа фаолиятига тааллуқли бўлган атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, кимёвий, бактериологик (биологик) ва захарли курол-яроғни тақиқлаш, шунингдек, кимёвий, биологик, радиологик ва ядро материаллари таъсири хавфини пасайтириш бўйича халқроқ шартномалар доирасида Ўзбекистоннинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаб келмоқда.



Абдуваққос РАФИҚОВ, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш орқали, шу жумладан, атом энергетикасини ривожлантириш ҳисобидан республиканинг электр энергиясига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш чора-тадбирларни кўрилоқда.

Айни пайтда мазкур ислохотларни узлуксиз давом эттириш ва иқтисодий драйвери бўлган саноат объектида хавфсизлигини таъминлашда Президентимизнинг 2024 йил 24 майдаги "Ер қазирдан фойдаланиш, саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳаларида давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2024 йил 24 декабрдаги "Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2024 йил 24 майдаги "Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, қўмига атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш, назорат қилиш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгиланди.

Мазкур ҳужжатлар билан қўмигага қатор устувор вазибалар юклатилди. Жумладан: — радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги халқроқ стандарт ва талабларини миллий қонунчиликка жорий этиш;

— саноат хавфсизлигини таъминлашда масофадан назорат қилиш механизминини жорий этиш;

— саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

— саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларининг фойдаланишдаги хавфсизлик талабларини қайта кўриб чиқиш.

Юқорида айтилган вазибаларнинг ижроси юзасидан ўтган даврда муайян ишлар қилинди. Аввало, қўмига томонидан белгиланган вазибаларни сўзсиз амалга оширишда Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги "Ijro.gov.uz" ижро интизими идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастурийамал бўляпти.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Бош вазири кўрсатмасига асосан, Бош вазири маслаҳатчиси раҳбарлигида вазирилик ва идораларнинг назорат бўлимлари раҳбарлари ва масъул ходимлари учун ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган "иқтисодий ўқиш"лар ташкил этиб борилоқда. Ана шундай ўқишлар қўмига марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари иштирокида ўтган даврда олти мартаба ўтказилди.

Иқтисодий ўқишларда Вазирилар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ҳамда Адлия вазириликнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси ходимлари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Президенти топириқлари бўйича 2024 йил якунида қўмига томонидан жами 49 та топириқ ижроси таъминланган бўлса, жорий йилнинг биринчи чора-гида қўмигага 47 та топириқ белгиланган ва барчасининг ижроси муддатидан олдин бажарилди.

Соҳадаги муҳим ислохотларни изчил давом эттириш ҳамда қўмигага юклатилган топириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида Вазирилар Маҳкамаси,

Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирилик томонидан масъуллар бириктирилган, улар кўмағида ҳамда қўмига раҳбариятининг қатъий назорати остида жорий йилнинг апрель ва келгуси ойларидаги топириқлар ижросини ҳам муддатидан олдин таъминлаш чоралари кўрилоқда.



Ўтган қисқа давр мобайнида қўмига иштирокида фаолият ва соҳа йўналишларини тартибга солувчи 10 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. 2024 йил якуни бўйича 607 та текириув ўтказилди.

Ижтимоий соҳадаги хавфсизлиги рақамлаштириш борисида "xavfsiz atraksiyon" платформаси ишлаб чиқилиб, республикада мавжуд маданият ва истироҳат боғларидаги аттракционлар тўлиқ хатловдан ўтказилди ҳамда уларнинг ягона реестри шакллантирилди.

Ҳар бир соҳа ривожидан тажриба-санаат кадрига таълим берилди. 30 мингдан ортиқ ишчи-ҳодимнинг саноат, радиация ва ядро хавфсизлигига оид билими синовдан ўтказилди. 3600 муҳандис техник ходимни қайта тайёрлаш борисида кўрсатмалар берилди.

Ҳар бир соҳа ривожидан тажриба-санаат кадрига таълим берилди. 30 мингдан ортиқ ишчи-ҳодимнинг саноат, радиация ва ядро хавфсизлигига оид билими синовдан ўтказилди. 3600 муҳандис техник ходимни қайта тайёрлаш борисида кўрсатмалар берилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида биринчи кунлардан бошлаб очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунёдаги барча тараққийларвар мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш энг муҳим устувор йўналиш деб белгиланди.

БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ каби халқроқ ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Қўмига халқроқ ва хорижий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, соҳа фаолиятига тааллуқли бўлган атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, кимёвий, бактериологик (биологик) ва захарли курол-яроғни тақиқлаш, шунингдек, кимёвий, биологик, радиологик ва ядро материаллари таъсири хавфини пасайтириш бўйича халқроқ шартномалар доирасида Ўзбекистоннинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаб келмоқда.

Жумладан, халқроқ ҳамкорлик бўйича саноат хавфсизлиги йўналишида имзоланган меморандумлар доирасида (Россия, Беларусь) 2025-2026 йилларга мўлжалланган дастурлар тасдиқланди.

Халқроқ экспертлар билан ҳамкорликда "Кимёвий хавфсизлик тўғрисида"ги ва "Радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Самарали ҳамкорлик

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида биринчи кунлардан бошлаб очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунёдаги барча тараққийларвар мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш энг муҳим устувор йўналиш деб белгиланди.

Ўтказилган текширишлар натижасида 899 та текшириш далолатномаси тузилди, саноат, радиация ва ядро хавфсизлигига оид меъёрий ҳужжатлар талаблари 2862 марта бузилгани аниқланди. Аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича 747 та ёзма кўрсатма, 121 та маълумотнома расмийлаштирилди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ ТОШКЕНТ АССАМБЛЕЯСИ:

Бошланиши 1-бегда

Дастлаб Парламентларо Иттифоқ маънаси бўлиб, парламент дипломатиясидан урушларнинг олдин олиш воситаси сифатида фойдаланиш ва халқаро низоларни мулоқот орқали ҳал қилиш учун ташкил этилган.

Муҳим босқичлардан бири Парламентларо Иттифоқнинг Миллатлар Лигаси, кейинчалик эса БМТ билан ҳамкорлиги бўлиб, бу ерда парламент тажрибаси халқаро институтларни демократлаштириш учун ишлатилган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Парламентларо Иттифоқ фаолиятини кенгайтириб, дунёда мустамлакачиликни тугатиш,



Акмал САЙДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Парламентларо Иттифоқ вице-президенти (2020-2023 йиллар), академик

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тинчликпарварлик масалаларига эътибор қаратиш. Бу даврда ташкилот халқаро ҳуқуқни шакллантириш, демократик бошқарув тамойилларини илгари суриш ва турли мамлакатларнинг глобал жараёнларда инклюзив иштирокини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Миллий парламентларо ҳамкорлигининг глобал платформаси

Парламентларо Иттифоқнинг тор донрадаги экспертлардан глобал институтга ўтти эволюцияси жаҳон ҳамжамиятининг ўзарувару геосиёсий вазиятда янада яқинроқ ҳамкорликка интилишини акс эттиради.

Ташкилот асосчилари хизматларини эътироф этиш мақсадида Кремер-Пасси мукофоти таъсис этилди, у парламентларо ва халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.

2018 йил 22 майда БМТ Бош Ассамблеяси 30 июнни Халқаро парламентларо кунини сифатида расман таъсис этди. 1889 йилнинг шу кунини Парижда Парламентларо Иттифоқнинг биринчи халқаро конференцияси очилди ва глобал миқёсда парламент дипломатияси тарихини бошлаб берди.

Бугунги кунда Парламентларо Иттифоқ энг йирик глобал парламентларо ташкилот бўлиб, 46 мингдан ортиқ парламентий манфаатини ифода қилади, бу эса уни мулоқот, парламент дипломатияси ва халқаро ҳамкорлик учун энг муҳим платформага айналтирди. Ташкилот миллий қонун чикарувчи органлар тажрибаси ва амалиётини уйғунлаштириб, замонавий муаммоларни бартараф этиш бўйича умумий стратегияларини ишлаб чиқишга қўмақлашади.

Шу боис, Парламентларо Иттифоқ халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва демократик тамойилларини илгари суришда муҳим роль ўйнайди. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Биринчи йўналиш. Парламент дипломатиясини ривожлантириш. Парламентларо Иттифоқ турли мамлакатлар парламентлари ўртасида мулоқот, глобал муаммоларни муҳокама қилиш ва ечимлар топиш учун платформа яратди. Ташкилот парламентларо демократик тамойиллар, ҳокимият шаффофлиги ва ҳисобдорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам беради.

Иккинчи йўналиш. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш. Ўсиб бораётган геосиёсий таъҳидлар шариқтида Парламентларо Иттифоқ можароларини ҳал қилиш, халқаро ҳуқуқни ривожлантириш ва тинчликпарварлик фаолиятига қўмақлашиш борасидаги ролинни кучайтирмақда. Ташкилот инқирозларнинг олдин олиш ва мамлакатлар ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлаш воситаси сифатида парламентларо ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлайди. Зиддиятчи ҳудудларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдин олиш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Учинчи йўналиш. Демократия ва инсон ҳуқуқларини илгари суриш. Демократия инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва қонун устуворлигисиз барқарор бўлмайди. Парламентларо Иттифоқ эркин ва адолатли сайловларни фаол қўллаб-қувватлайди, парламент аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва камситишнинг ҳар қандай шаклига қарши курашади. Сиёсий эркинликларни чеклаш, муҳолифат етакчиларини таъқиқ қилиш ва депутатларга нисбатан таъҳидларга қарши кураш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ташкилот, шунингдек, сайлов жараёнларини шаффофлигини таъминлаш ва давлат институтларига бўлган ишонччи ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Тўртинчи йўналиш. Сиёсатда гендер тенглик. Хотин-қизларнинг қонунчилик фаолиятидаги иштирокини рағбатлантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. 1997 йилдан буён Гендер тенглик бўйича мақсадли дастур амал қилмоқда, унинг доирасида жаҳон парламентларида хотин-қизлар улуши мониторингини олиб борилади. 2024 йилда бу кўрсаткич 26,7 фоиз

ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

атрофида бўлса-да, мамлакатлар ўртасидаги сезиларли фарқ сақланиб қолмоқда. Ташкилот парламентларо хотин-қизлар вакилликни ошириш бўйича самарали механизмлар, жумладан, квоталар, мураббийлик дастурлари ва хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштироки учун қўлай шарт-шароитлар яратишни жорий этишга чақиради.

Бешинчи йўналиш. Ёшлар иштирокини кучайтириш. Ёш сиёсатчилар аксарият мамлакатлар парламентларида етарли вакилликка эга эмас. Бугунги кунда 40 ёшгача бўлган депутатларнинг ўртача улуши атиги 17,5 фоизни ташкил этади. “I Say Yes to Youth in Parliament!” (Мен парламентда ёшларга “Ҳа” дейман!) ёш етакчиларни жалб қилиш, сиёсатчиларнинг янги авлодини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларни шакллантириш ва уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

Парламентларо Иттифоқ нафақат парламентларо ҳамкорлик платформаси, балки глобал бошқарувнинг муҳим институти бўлиб қолмоқда. Ҳозирги шариқтида унинг халқаро хавфсизликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини илгари суришдаги ролинни кучайтириш зарур, чунки айнан шу йўналишлар бутун дунёда барқарор ривожланиш ва тинчлик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Парламентларо Иттифоқ раҳбарлари

Тулия Аксон (Танзания) — Парламентларо Иттифоқ президенти.

Тулия Аксон 2023 йилда Парламентларо Иттифоқ президенти этиб сайланди ва бу лавозимни эгаллаган биринчи африкалик аёл бўлди. У бои сиёсий ва ҳуқуқий таъриқбага эга бўлиб, гендер тенглик ва инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда тарғиб қилишда етакчи ўринини эгаллайди.

2020 йилда у парламент назоратини кучайтириш, ҳокимият шаффофлигини ошириш ва аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қилиш бўйича фаол ишлаган Танзания парламентининг биринчи аёл спикери сифатида тарихга кирди.

Юридик таълим ва фан доктори илмий даражасини олган Тулия Аксон кўп йиллар давомида ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланган. Унинг фаолияти хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсатдаги ролинни кучайтириш, камситишларга қарши курашиш ва парламент фаолиятидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Унинг Парламентларо Иттифоқ президенти этиб сайланиши глобал миқёсда инклюзив сиёсий жараёнларни илгари суришда муҳим қадам бўлди, шунингдек, Танзаниянинг халқаро парламент ҳамкорлигидаги ролинни намоён этди.

Мартин Чунгонг (Камерун) — Парламентларо Иттифоқ бош котиби.

Мартин Чунгонг Парламентларо Иттифоқ тизимида 30 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб келатган, парламентаризм соҳасидаги энг таъриқбали мутахассислардан биридир.

2014 йилда у Парламентларо Иттифоқ бош котиби лавозимини эгаллаган биринчи африкалик бўлиб, бу ташкилот тарихида муҳим воқеага айланди. Бунгача у 20 йилдан ортиқ вақт давомида Камерун Миллий Ассамблеясида ишлаган, у ерда қонун ижодкорлиги жараёни, парламент назорати ва давлат бошқаруви масалаларига ихтисослашган.

Парламентларо Иттифоқда ишлаган йилларида у мамлакатлар ўртасидаги парламент ҳамкорлигини кучайтириш, аёллар ва ёшлар ҳуқуқларини кенгайтириш, коррупцияга қарши курашиш, халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши устида парламент назоратини амалга ошириш бўйича ислохотларни фаол илгари суриди.

“New African” журнали талқинига кўра, 2022 йилда Чунгонг энг нуфузли 100 африкалик рўйхатида киритилди, бу эса унинг парламентаризм ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдаги муҳим ролинни тасдиқлади.

Унинг раҳбарлигида Парламентларо Иттифоқ ўз таъсир доирасини сезиларли даражада кенгайтириб, можароларни ҳал қилиш, XXI асрнинг асосий муаммолари бўйича стратегия қарорлар қабул қилиш ва барқарор ривожланишни таъминлашга қўмақлашдаги глобал парламент дипломатияси платформасига айланди.

Миллий парламентларо — барқарор ривожланиш драйвери

Парламентларо Иттифоқ миллий қонун чикарувчи органлар ва халқаро институтлар ўртасида воситачилик қилиш орқали парламентларо Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) амалга оширишга фаол жалб қилмоқда. 2025 йил февраль ойда БМТда бўлиб ўтган парламент эшитуварлари чоғида Парламентларо Иттифоқ президенти Тулия Аксон БРМни амалга ошириш бўйича миллий ҳисоботларни тайёрлашда дунё парламентларининг атиги учдан бир кимси иштирок этаётганини таъқиқлади. Шу билан бирга, қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур молиявий ресурслар тақчиллиги яқин беш йил ичида 2,5-4 триллион долларга баҳоланмоқда.

Бундай вазиятда парламентларо барқарор тарғиқни таъминлашда етакчи ролин ўз зиммасига олиши лозим. Уларнинг асосий функцияларига қуйидагилар кирди.

Қонунчилик ёрдами — БРМни миллий ривожланиш стратегиясига интеграция қилиш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда экологик тоза технологияларни жорий этишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Бюджет назорати — молиявий ресурсларнинг адолатли ва самарали тақсимланшини таъминлаш, экология, соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ташаббусларни устувор молиялаштириш.

Шаффофлик ва ҳисобдорлик — халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат дастурлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

Парламентларо бугунги кунда нафақат қонун чикарувчи органлар, балки глобал барқарор ривожланиш жараёнининг асосий иштирокчиларидир. Уларнинг фаолияти миллий манфаатлар доирасидан четта чиқади: қонунчилик базасини шакллантириш, бюджет жараёнларини назорат қилиш ва ҳисобдорликни таъминлаш БРМни амалга оширишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Парламент аъзоларининг жамоавий сайҳаракатлари халқаро ҳамкорлиқни кучайтириш, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, глобал иқтисодий жараёнларни назорат қилиш ва БРМни амалга ошириш учун миллий ҳукуматларнинг масъулияти даражасини оширишга қаратилган бўлиши керак. Фақат шундай мақсадли ёндашувда барқарор ривожланиш шунчаки халқаро декларация эмас, балки дунёни яқши томонга ўзгартира оладиган реал механизмга айланади.

Парламентларо Иттифоқ ва Ўзбекистон: парламентларо алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви

Кейинги йилларда Ўзбекистон Парламентларо Иттифоқ, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси, Европарламент, ТуркПА, МДҲ Парламентларо Ассамблеяси фаолиятида иштирок этиб, халқаро парламент ҳамкорлиги механизмига фаол интеграциялашмоқда.

Хитой файласуфи Шан Ян “Яқши қонун халққа ҳурмат ифодасидир”, деб қайд этган



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-YUBILEY ASSAMBLEYASI

“ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯГА ТОШКЕНТ МЕЗБОНЛИК ҚИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚўШАЁТГАН ҲИССАСИНИНГ МУҲИМ ЭЪТИРОФИ БўЛАДИ.

бўлса, Томас Жефферсон “Парламентнинг ҳақиқий қудрати унинг ҳар бир фуқаро манфаатларини ифодалаш қобилиятидир”, деган эди. Шу боис, айнан глобаллашув даврида Ўзбекистон парламент дипломатиясини кучайтириш ва БРМни миллий ривожланиш стратегиясига киритиш бўйича ташаббусларни амалга оширмоқда.

Хусусан, **Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси Барқарор ривожланиш мақсадларига эришини жадаллаштиришда парламентларо Иттифоқнинг роли тўғрисида** резолюция қабул қилди, у 80 та мамлакат томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу ҳужжат БРМни амалга ошириш устида парламент назоратининг муҳимлигини таъқиқлаб, миллий қонун чикарувчи органларнинг халқаро жараёнлардаги ролинни мустаҳкамлади.

Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоқ билан ҳамкорлиги амалий ва институционал характерга эга: Олий Мажлис палаталари вакиллари Ижроия қўмитида, турли қўмиталарда фаол ишлади, шунингдек, Парламентларо Иттифоқнинг хотин-қизлар ва ёшлар форумларида иштирок этди.

Парламентларо Иттифоқ билан ҳамкорликда амалга оширилган асосий таъриқлар:

- “Парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаш” ёшлар парламент форуми (2021 йил, 22 июнь).
- Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро форум (2021 йил, 23-24 июнь), унинг якунлари бўйича Барқарор ривожланиш таъминлашда парламентларо иштирокини мустаҳкамловчи муҳим ҳужжат — Бухоро декларацияси қабул қилинди.



3. Парламент аёл раҳбарларининг 14-саммити (2022 йил, сентябрь). Гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига бағишланган таъриқ турли мамлакатлар парламент аъзолари ўртасида таъриқба алмашишга хизмат қилди.

4. “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо ҳамкорлик” II халқаро глобал форуми (2023 йил, 30 ноябрь). Унинг якунлари бўйича парламентларо ҳамкорлиқнинг муҳим жиҳатларини қамраб олган Тошкент коммюникеси қабул қилинди.

5. Ўзбекистон Президентининг Парламентларо Иттифоқ делегацияси билан учрашуви (2022 йил, сентябрь). Унда парламент ҳамкорлиги истиқболлари, демократик ислохотлар ва халқаро таъриқбани миллий қонунчилик ташаббусларига интеграция қилиш масалалари муҳокама қилинди.

6. Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоқнинг асосий ҳамкори сифатидаги ролинни мустаҳкамловчи Парламентларо



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-YUBILEY ASSAMBLEYASI

“ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯГА ТОШКЕНТ МЕЗБОНЛИК ҚИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚўШАЁТГАН ҲИССАСИНИНГ МУҲИМ ЭЪТИРОФИ БўЛАДИ.

Иттифоқнинг 150-ассамблеясини ўтказиш тўғрисидаги битимни имзолаш (2024 йил, март) ва ассамблеяни 2025 йилда Тошкентда ўтказишга тайёрлик кўриш.

7. Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоқ Мазмурий кенгаши йиғилишидаги иштироки (2024 йил, октябрь). Бу ерда халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг кейинги йўналишлари ҳамда миллий парламентларо глобал жараёнлардаги таъсирини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоқ билан фаол ҳамкорлиги нафақат икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлайди, балки халқаро миқёсда янада инклюзив, шаффоф ва самарали парламент бошқаруви тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеяси Ўзбекистондаги парламент ислохотларининг эътирофи

Парламентларо Иттифоқ бош котиби Мартин Чунгонг мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни юқори баҳолаб, уларнинг ҳокимият шаффофлигини таъминлаш ва парламент фаолияти самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини эътироф этди.

Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси пойтахти сифатида Ўзбекистон пойтахтининг танланиши нафақат халқаро парламент ҳамжамиятининг ишонччи, балки юртимизда парламентаризм соҳасида тубдан амалга оширилаётган кенг қўламли

ислохотларнинг эътирофи ҳамдир. Сўнгги йилларда давлатимизда парламентнинг ролин кучайтириш, унинг ваколатларини кенгайтириш ва демократик механизмларни жорий этишда сезиларли ютуқларга эришилди.

БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан “Парламент кучли бўлса, демократия гуллаб-яшнайдир”, деган эди. Бу фикрни Ўзбекистонда Олий Мажлис палаталарининг мамлакатнинг асосий демократик институти сифатидаги ролин мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ислохотлар еркин акс эттирди. Президентимиз “Парламент назорати — бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови” эканини унутмаслик лозим”, деб бежиз ўқтирмаган эди.

Ўзбекистонда парламент ислохотларининг асосий ютуқлари:

— умумхалқ референдуми натижаларига кўра янги таъриқдаги Конституцияни қабул қилиш (2023 йил). Бош қонун парламент аъзолари билан парламентнинг ваколатларини сезиларли даражада кенгайтирди, уларнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимидаги ролинни кучайтирди;

— парламент институти самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий давлатни ривожлантириш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 20 дан ортиқ янги қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— ҳукумат ва суд тизими фаолияти устида парламент назорати механизмининг жорий этилиши, бу эса давлат жараёнларининг ҳисобдорлиги ва шаффофлигини оширди;

— асосий масалалар — коррупцияга қарши курашиш, гендер тенглик, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги парламент комиссияларини тузиш. Ушбу ташаббуслар долзарб муаммоларга янада самаралироқ жавоб бериш имконини берди;

— парламентда хотин-қизлар ва ёшлар вакилликнинг ўсиши. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоиз хотин-қизлардан иборат, бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон минтақда етакчилардан бири ҳисобланади. Ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаол иштироки бошқарув тизимини модернизация қилиш ва янада инклюзив сиёсатни шакллантиришга ёрдам беради.

Уинстон Черчилл таъқиқлаганидек, “Парламент демократиянинг юраги, унинг овози эса халқ овози”. Шу нуқтан назардан, Президентимизнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: “Энг муҳими, депутатнинг овози — бу халқ овози эканини ҳеч қачон унутмаслик зарур”. Айнан шу тамойил Ўзбекистон парламентини ислохот қилишнинг асосини ташкил этади, бунда депутатлар ва сенаторлар нафақат қонунларни қабул қилади, балки аҳоли ва ҳукумат билан фаол ҳамкорлик қилиб, фуқароларнинг ҳаёт сифатини яқшиллашга эришади.

Юбилей форумини ўтказиш учун Тошкентнинг танланиши Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги ўрни ортиб бораётгани, демократик қадриятларга содиқлиги ва глобал даражада парламент дипломатиясини чуқурлаштиришга интилишини тасдиқлайди.

150-ассамблеянинг асосий мавзулари

Парламентларо тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан тортиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишга бўлган глобал муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин ва керак. Бундай шариқтида Ўзбекистон нафақат халқаро ташаббусларда иштирок этишга, балки глобал муаммоларни ҳал қилишда янги ёндашувларни тақлиф қилиш орқали парламент дипломатиясининг асосий марказларидан бирига айланшига интиломоқда.

Парламентларо Иттифоқнинг Тошкентда бўлиб ўтадиган 150-ассамблеяси “Ижтимоий тарғиқет ва адолат йўлидаги парламент ҳаракатлари” мавзуси доирасида бутун жаҳон ҳамжамияти учун долзарб бўлган кенг қўламли масалаларни қамраб олади. Асосий мавзулар орасида:

1. **Парламент дипломатияси низоларнинг олдин олиш воситаси сифатида.** Глобал барқарорлик шариқтида парламентларо тинчликпарварлик жараёнларида муҳим роль ўйнайди, мулоқот, дипломатик музокаралар ва халқаро инқирозларни ҳал қилишга қўмақлашади.

2. **Барқарор ривожланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда парламентларо роли.** Барқарор ривожланиш мақсадлари ижроси устида парламент назорати, экологик ташаббусларни қонуний тартибга солиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш масалалари муҳокама марказга бўлади.

3. **Парламент фаолиятида гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш.** Қонун чикарувчи органларда аёллар вакилликни ошириш, сиёсатда аёллар учун тўсиқларни бартараф этиш ва гендер тенглик бўйича стратегияларни амалга ошириш.

4. **Парламентларо фаолияти самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш.** Қонун ижодкорлиги фаолиятига рақамли ечимларни жорий этиш, электрон парламентни ривожлантириш ва кибертаъҳидлар шариқтида маълумотларни ҳимоя қилиш.

5. **Халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва кибертаъҳидларга қарши кураш чоралари.** Хавфсизлик соҳасида парламентларо ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, глобал таъҳидларга қарши курашиш бўйича қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш ва кибермақон шариқтида инсон ҳуқуқларини ишонччи ҳимоя қилиш.

Бундан ташқари, ассамблея доирасида ёш парламент аъзоларининг глобал форуми ва Халқаро хотин-қизлар парламент форуми ўтказилади. Бу Парламентларо Иттифоқнинг инклюзивлик ва қарор қабул қилиш жараёнларида ёшлар ва аёлларни жалб қилишга содиқлигини кўрсатади.

Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеяси: парламент дипломатияси тарихида янги саҳифа

Ўзбекистон халқаро парламент майдонида ўз мавқеини жадал мустаҳкамламоқда. Тошкент шаҳрида Парламентларо Иттифоқнинг юбилей ассамблеяси ўтказилиши мамлакатнинг парламентларо ислохот қилиш ва демократик институтининг янги ривожланиши борасидаги муваффақияти эътирофидир. Шу ўринда Антониу Гутерриш ўрини қайд этганидек, парламент аъзолари қонунлар орқали барқарор ривожланишга эришишга сезиларли ҳисса қўишлари мумкин. Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоқ ишида фаол иштирок этиши, асосий халқаро форумларни ўтказиши ва илгор қонунчилик амалиётларини жорий этиши мамлакатимизнинг очиклик, барқарор ривожланиш ва парламентаризм тамойилларига содиқлигини амалда тасдиқлайди.

Шубҳасиз, юбилей ассамблеяга Тошкент меъзонлик қилиши Ўзбекистоннинг халқаро парламент дипломатиясини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасининг янги эътирофи бўлади. Бу нафақат мамлакатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлайди ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очади, балки Ўзбек парламенти дипломатиясининг асосий марказларидан бирига айланшига интиломоқда.

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

ЭНДИ ВАЗИР ВА ҲОКИМЛАР

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ДАСТУРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ



Акром ТОШПЎЛАТОВ, Парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори

Янги механизм қандай ишлайди?

Президентимиз шу йил 5 март кун Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида коррупцияга қарши курашиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича муҳим ташаббусни илгари сурди. Ушбу ташаббусга кўра, бундан буён вазирлар ва ҳокимлар лавозимга тайинланганидан олдин коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режаларни парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳимоя қилади.

Ушбу ташаббус давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши кураш борасидаги масъулиятини ошириш, лавозимларга ҳалол ва фидойи кадрларни танлаш, шунингдек, раҳбарлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳбар масъулияти

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва


гов — бу коррупциядир". Шу боис, сўнги йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича институционал асослар яратилди. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши, агентлик ташкил этилди, парламент палаталарида масъул кўмиталар фаолияти йўлга қўйилди, жамоатчилик назорати механизмлари яратилди ва ОАВга эркинлик берилди.

Коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигидир. Президентимиз "Давлат хизматчиси, бу аввало халқнинг хизматкори. Бу ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ!" дея раҳбарларни халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш, коррупцияга қарши курашда фаол бўлишга даъват этди.

Ўзбекистонда жорий этилаётган янги механизмга кўра, вазирилик раҳбарлари лавозимга тайинланганидан олдин коррупцияга қарши кураш бўйича аниқ режаларини Олий Мажлис палаталарида ҳимоя қилади. Худди шундай ҳокимлар ҳам халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўз дастурини тақдим этади.

Бу режаларда қуйдагилар акс этиши кутилмоқда: идора фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари, коррупциявий омилини раҳбарнинг дастури бўйича аниқ чора-тадбирлар, раҳбарнинг ўз соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича таклифлари, амалга ошириладиган ислохотларнинг аниқ муддати ва натижа кўрсаткичлари.

Янги тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, раҳбарлардан нафақат режа тақдим этиши, балки унинг ижроси юзасидан ҳам мунтазам ҳисобот бериш бориш талаб этилади. Бу эса раҳбарлар масъулиятини ошириш, фаолиятини парламент ва жамоатчилик назоратига олишга хизмат қилади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Парламент назорати кучайиши

Коррупцияга қарши курашишда парламентнинг роли янги босқичга кўтарилмоқда. Йиғилишда парламент олдида коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қанча муҳим вазифалар қўйилди. Улардан бири — раҳбарларнинг коррупцияга қарши кураш дастурларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.

Ушбу ташаббус натижасида Олий Мажлис палаталари кўмиталари раҳбарларнинг дастурларини кўриб чиқиш жараёнида уларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги салоҳияти, билим ва кўникмаларини баҳолаш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, парламент томонидан раҳбарнинг тақдим этилган дастурларидан келирилган коррупцияга қарши кураш чоралари қанчалик самарали ва реал экани таҳлил қилинади.

Парламент назорати тизимининг яна бир муҳим жиҳати — вазириларнинг дастури ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни парламент кўмиталарида эшитишдир. Агар вазири

дастури амалга оширишда самарасиз деб топилса, унга нисбатан тегишли чоралар кўриши, ҳатто ишонсизлик билдириш масаласи кўрилиши ва ҳукуматга киритилиши мумкин. Бу эса келгусида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда кенг қамровли институционал ёндашуви таъминлашга хизмат қилади.

Маҳаллий кенгашлар — бу иллатга қарши курашда муҳим бўғин

Коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этилаётгани ҳақидаги маълумот йиғилишда алоҳида таъкидланди. Шу сабабли ҳам маҳаллий даражада коррупцияга қарши курашиш механизмларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланади. Улар

га вилоят халқ депутатлари кенгаши раислари бош бўлади. Худудий кенгашларнинг асосий вазифаларидан бири — ҳокимларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича дастурларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Ҳокимлар ўз дастурларини халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ҳимоя қилиб, уларнинг ижроси тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб боради. Бу жараён депутатларга ҳокимларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини баҳолаш, танқидий таҳлил қилиш ва тегишли тавсиялар бериш имкониятини яратди.

"Худудий кенгашлар коррупциявий омилини аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга таклиф қилганда", деди Президентимиз. Бу эса коррупцияга қарши курашда "настдан юқорига" принципининг амалиётга татбиқ этилишини кўрсатади.

Хориж тажрибаси

Коррупцияга қарши курашда самарали натижаларга эришган хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, давлат хизматига ҳалол ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда улар фаолияти устидан назоратни таъминлаш коррупцияни камайтиришнинг муҳим омилларидан. Масалан, Сингапурда давлат хизматига номзодлар махсус танлов асосида саралаб олинган ва уларнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги билим ва кўникмаси синовдан ўтказилади. Норвегияда эса вазирлар ва юқори лавозимдаги амалдорлар парламент олдида мунтазам ҳисобот бериб боради, жумладан, коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича ҳам.

Дания, Янги Зеландия, Финляндия каби коррупция даражаси паст мамлакатларда раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда уларнинг ҳалоллиги ва коррупцияга муносабати муҳим мезон. Шунингдек, уларда парламент назорати тизими юқори даражада ривожланган.

Ўзбекистонда жорий этилаётган янги механизм — вазири ва ҳокимларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича дастурларини парламент ва маҳаллий кенгашларда ҳимоя қилиши тизими айнан шу халқаро тажрибага асосланган ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

"Ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш

Давлатимиз раҳбари "Коррупциянинг олдини олиш — давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни 'ҳалоллик вакцинаси' билан эмлашдан бошланади", деди. Бу метафора коррупцияга қарши курашнинг профилактик чоралари, айниқса, раҳбар кадрларни тарбия-

лаш ва тайёрлашга катта эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Раҳбарларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича аниқ режалар тузиши ва уларни ҳимоя қилиши — "ҳалоллик вакцинаси"нинг муҳим таркибий қисми. Бу жараён раҳбарларнинг коррупцияга қарши ишлашга ундайди. Уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини оширади. Шунингдек, жамоатчилик олдида зиммасига мажбурийат олишга ўргатади.

Парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш бориши эса амалдорларнинг зиммасидаги мажбурийатларни бажариши учун масъулиятини оширади, улар фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди.

Коррупцияга қарши кураш умумийлиги вазири, ҳар бир ватанпарвар юрtdошимизнинг виждон ишидир. Президентимиз шу фикрни илгари сурар экан, коррупцияга қарши курашда жамоатчилик иштироки муҳимлигини қайд этди.

Вазир ва ҳокимларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича дастурларини парламент ва маҳаллий кенгашларда ҳимоя қилиши ва уларнинг ижроси тўғрисида ҳисобот бериш бориши жараёни очиқ, ошкора тарзда ўтказилиши, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши белгиланган. Бу эса жамоатчиликнинг раҳбарлар фаолиятини баҳолаш, уларнинг мажбурийатларини назорат қилиш имкониятини оширади.

Вазир ва ҳокимлар олдидаги янги вазифалар

Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилаётган мутлақо янги тизим доирасида вазир ва ҳокимлар коррупцияга қарши кураш бўйича қатор муҳим вазифаларни амалга ошириши зарур. Жумладан:

биринчи — ўз соҳаси ва ҳудудидagi коррупциявий хавф-хатарларни қўқур таҳлил қилиш;

иккинчи — соҳаси ва ҳудудидa коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ ва самарали чора-тадбирларни белгилаш;

учинчи — давлат хизматларини рақамлаштириш ва бюрократик тўсиқларини бартараф этиш;

тўртинчи — коррупциянинг олдини олиш бўйича жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш.

Бундан ташқари, вазир ва ҳокимларнинг дастуридa коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ мақсадлар, уларга эришиш йўллари ва натижа кўрсаткичлари акс этиши зарур.

Коррупцияга қарши кураш стратегиясининг узвий қисми бўлиб бу ислохот пировадидa мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш, давлат бошқарувидaги шаффофликни таъминлаш, халқ ва давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Худудлар ҳаёти

Янгиланиш, яшариш фасли Наврўз ерга амал, юртга кутбарака келганидан дарак берди. Дала-даштар гулу анбарларга бурканмоқда. Елкасига кетмон ташлаган бободехқон яратувчилари юмушлари билан андармон. У одамларга ризк-рўз улашиш илинжида яхши ниятда меҳнат қиялпти, изланаппти.

Ёзёвон туманида фермер хўжаликлари юртимизда биринчилардан бўлиб ташкил этилган. Соҳада жорий этилган янги тизим одамларнинг ерга муносабатини ўзгартирди. Экин майдонлари ҳосилдорлиги қарийб икки хисса ошди. Ўтган йил туманда 4900 гектар майдонда пахта, 6600 гектар майдонда бугдой етиштирилди. Пахтадан олинган ҳосилдорлик гектарига ўртача 42, галладан 60-65 центнерга тўғри келди. Ғўзанинг С-8290, С-6775, шунингдек, Хитой навлари экилиб, 18 минг 400 тонна қимматбаҳо санаят хомашёси териб олинди.

Бу йилги мавсумда тумандаги 140 та фермер хўжалигининг 4850 гектар ерида чигит экиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 12 та отряд тузилган бўлиб, фермер хўжалиқлари ер тайёрлаш ва чигит экиш учун

ҳосилдорлиги юқори бўлиши имкониятини беради. Ҳосил қўлда эмас, терим машиналари ёрдамида қисқа фурсатларда йиғиштириб олинади ва келгуси йилга эрта таралдув қўрилади.

Қишлоқ хўжалиги фермерлар ва кластер тизимини ўзаро уйғунлаштириш механизми жорий қилинган бу борадаги ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқди. Натижада одамларнинг ерга, мулкка эгаллик ҳисси ошиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги кўтарилши баробарида етиштирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланипти.

— Янгиликка интилувчи, ер билан тиллашувчи деҳқон-фермерлар бу йил ҳам мўл ҳосил олиш ҳаракатида, — дейди Ёзёвон тумани Фермерлар кенгаши агрономи Азизбек



Хар бир соҳада янгиликка интилиш, илгор технология ва усуллари жорий этиши, жаҳон тажрибаси иш усулларидан унумли фойдаланиш зарур. Энди эскича иш, қарашлар билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида илмий асосда ёндашиш, таҳлил ва тадқиқ этиш муҳим. Ёзёвонлик фермерлар, сувчио ишчилар билан суҳбатлашсангиз, бунга амин бўласиз. Бониси, уларнинг аксарияти галлачилик ва пахтачилик ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда синовдан ўтган, унумли натижа кўрсатган иш усулларидан фойдаланишга эътибор берапти.

Мисол учун, ерга қадалган нав ўтган йили самара бермадимиз, бу йил дарҳол ундан воз кечишга уриндик. Тўғри-да, йил — ўн икки ой тер тўки меҳнат қилсанг-у, хирмон кўтаришда бошқалардан ортда қолсанг, бу кимга ҳам ёқарди?!

Эътиборлиси, уларнинг ҳар бири ҳисобкитоби, ер билан тиллаша олади, керак бўлса, ер, кластер, кредитлар ва субсидиялар ҳақидаги қонунчилик янгиликларидан бохабар.

— Дастлабки йиллари бу ерлардан олинмадиган ҳосил чўчи кам эди. Пахтадан 22-25, бугдойдан 35-40 центнердан ҳосил олинган. Бугун шароит бутунлай ўзгарган, — дейди "Яхши ният 2019" фермер хўжалиги раҳбари Юнусали Эргашев. — "Ерни боқсанг, ер сени боқарди" деган мақол бежиз айтилмаган. Одамларимиз ҳар қарич ердан унумли фой-

даланиш ҳаракатида. Ўтган йили ҳар гектар пахтадан 40 центнер, галладан 60-70 центнер ҳосил олдик. Ер ўғитга тўйса, агротехник тадбирлар вақтида ўтказилса, экилган нав яхши бўлса, бу кўрсаткичларни икки баробар кўтариш мумкин. Масалан, ўтган йили ҳар гектарни 200 килограмм фосфор, 700 килограмм азотли ўғит билан озиклангирдик. Бунга сугориш, чопиқ, кимёвий ва маҳаллий ўғитлар, техника харажатлари, сув таъминоти учун ички насос харажатлари, электр энергияси, солиқ, сув солиғи, ишчилар иш ҳақи, хуллас, барчасини ҳисоблаб чиқилганда, пахтамиз таннархи 8 миллион сўмдан ошди. Аммо ҳосилни 6800 сўмдан сотдик. Натижада ўтган мавсумда пахтачиликдан, умуман, даромад кўрмадик. Бу йил "Баҳодир Логон текстиль" пахта-тўқимачилик кластери билан шартнома имзоладик. Айни кунда "Хитой-78" уруғини экишга ҳозирлик кўряпмиз.

Бу борада яхши натижага эришган фермерлар тажрибалари билан танишиб чиқдик. Янги нав ер, иқлим шароитимизга мослиги, зараркунанда ҳашаротларга чидамлилиги, юқори ҳосил ва тала бериш хусусиятлари билан ажралиб туради. Баъзи муаммолар йўқ эмас. Экин майдонларини сугоришга насосдан фойдаланамиз. Насосни ишлатишда электр энергияси учун алоҳида, сувдан фойдалангани учун алоҳида пул сарфлашга тўғри келяпти. Узимнинг мисолимда айтсам, электр энергияси учун ўрта ҳисобда

50-60 миллион сўм сарфлайман. Лекин шу кунга қадар белгиланган субсидия тўлаб берилгани йўқ. Бу ҳосил таннархи ошишига олиб келяпти. Бунга масъуларимиз кўриб чиқиши керак. Шу ўринда баъзи таклифларни ўртага ташламоқчиман. Пахта-галла етиштирувчи фермерларга электр энергияси учун мутлақ субсидия ажратиш, кимёвий ўғит ва нефть нархини ўрганиш, солиқ ва сув солиғини камроқ баҳолаш, техника эҳтиёт қисм ва харажатларини кўриб чиқишга, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фермернинг гапида жон бор. Қишлоқ хўжалиги техникаси учун кераклик баллонлар таъминотчи корхоналарда эркин нархларга нисбатан икки-уч хисса қиммат. Шу боис, аксарият фермерлар маҳсулотини ички базордан, нақд пул шаклида сотиб олишни қўйиб билмоқда.

Бошқа фермерлар билан суҳбатимиз ҳам шу каби масалалар хусусида бўлди. Жумладан, пахта ҳосили учун йўналтирилаётган кредитни олишда 4 фонзли банк сугуртаси керакми ўзи деган фикрни айтди улар. Маълум бўлишича, сугурта суммаси 22-25 центнер ҳосил учун қўйилади, бу миқдордаги ҳосилни ҳар қандай фермер етиштириш олади. Аммо 400-500 миллион сўм кредит ҳисобидан 15-20 миллион сўм сугурта пулини олдиндан ушлаб қолиш фермерлар манфаатига мутлақо зид. Шартга кўнмасангиз, маблағ беришмайди. Бунинг ўрнига

маблағ қўтилмаган офат ёки зараркунанда ҳашаротлардан сугурта қилишга йўналтирилса, яхши эмасми?

— Пахта ва галла кластерлари кўпайгани соғлом рақобат ва нархлар мақбуллашишига олиб келади, — дейди "Файзли Октепа зари" фермер хўжалиги раҳбари Омаддон Ҳошимов. — Бугунги фермер йиғилишида залли тўлдириш учун ўтирадиган шахс эмас. Унинг ўз режаси, мақсад ва қарашлари бор. Асосийси, экин ерларидан унумли фойдаланиш, кам харажат сарфлаган ҳолда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш. Бу бир қанча омил, имтиёزلарга бoғлиқ, албатта. Экинга солинадиган минерал ўғит, ёнгил-мойлаш маҳсулотларини фермерлар тўғривдан тўғри заводдан оlish, яхши бўларди. Шунингдек, чўл ва шўрланган ҳудудларга мос навларни яратиш устида изланишлари кўпайтириш керак. Бизга аксарият ҳолларда бир хил навдаги уруғларни кетма-кет экиш тавсия қилинмапти, танлаб олиш имконияти деярли йўқ.

Туманда етиштириладиган пахта ҳосилини сотиб олишга киришган "Баҳодир Логон текстиль" кластери бош агрономи Суҳробжон Сулаймонов билан телефон орқали боғландик. Унинг айтишича, бу йил фермерларга сифатли ўғит, ёқилги-мойлаш материаллари, уруғлик чигит, техника ва кимёвий воситаларни арзон нархларда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ҳосилни қабул пунктларга ташин харажатларини ҳам кластер ўз зиммасига олган. Терим даврида куришти ва тозалаш учун олинмадиган йиғимдан воз кечилди. Бундай шартлар эса фермерлар учун жуда маъқул келяпти.

— Илгари пахта йиғим-терими бошланган пайтда ҳам нарх ноаниқлигича қолаверарди, — дейди туман Фермерлар кенгаши ҳуқуқшуноси Муродил Жўраев. — Энди ерга чигит қадамай туриб, пахта хомашёси нархи аниқ бўляпти. Кластер фермерлар оғирини енгиллатишга ҳаракат қиялпти. Бу жуда қувонarli. Лекин вазифамдан келиб чиқиб, баъзи мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтишни ўринли биламан. Бир пайтлар етиштирилган ҳосил қабул пунктига олиб берилганда, у сифатсиз, талабга жавоб беримайди деган сабаблар билан тўлигича кластер корхонаси фойдасига ўтказиб юборилган. Чунки кластер ва фермер ўртасида тузилган шартномада бу жиҳат кўрсатиб қўйилган. Аммо аксарият фермерлар бундан бохабар. Оқибатда фермерлар йил охирига келиб, топширган хомашёси учун пулини ололмай, сарсон бўлган. Энди бу масалаларга алоҳида эътибор бериляпти. Фермер хўжаликлари билан шартнома шартларига эътибор қаратиш муҳим бўлган масалалар юзасидан тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борапти. Фермерларга ўзлари учун ҳуқуқшунос мутахассисларни ишга жалб этиш юзасидан тавсиялар бериляпти.

Ер уйгонган, қўшли оилар ғанимат. Қўламда боқ берилган ҳар бир кўн кузакда йилга тенглигини яхши билган ёзёвонлик фермерлар даласи томон ошиқмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



410 та техника бириктирилган. Мавсумда интенсив технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёзёвонлик фермерлар бу борада ўзига хос тажриба тўплаган. Эндиликда чигит 76 схемада, гектарига 200 минг тул қўчат қолдириш технологиялари асосида парваришланади. Экин майдонлари лазерли ер текислаш ускунаси ёрдамида тайёрланади. Бу самарали усул ғўза бир маромда қониб сув ичиб,

Жобиров. — Фермер хўжалиқларининг ҳар бири ўзига хос ер ва сув шароитига эга. Уларда бир хилдаги агротехник тадбирларни татбиқ қилиб бўлмайди. Бунда малакали мутахассислар, ишининг устаси бўлган бободехқонлар тавсиялари, маслаҳатларига таянмапти. Ўзаро фикр алмашиш, деҳқончиликка инновацион усулларни жорий этишда ҳамкорлик қилиш, янги ташаббусларни қўлаб-қувватлаш муҳим амаллардан.

Таҳлил ва таққос

МАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Биринчиси, ҳамда ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар. Иккинчиси, ҳамда ахлоқий безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчиси, ҳамда ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар.

Олимнинг назарида ана шу кейинги — учинчи тонфа камол инсонлардир. “Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамда ахлоқ ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошди”.

Шарқ мутафаккирлари, юқорида қайд этганимиз каби, маданиятни маънавий ва тарбия жараёни билан уйғун ўрганади. Фарабий Шарқда биринчи бўлиб дин ва философия ҳақиқатга етишишнинг икки мустақил усули деб билди. У соғлом эҳтиёжни маданиятга қиёслайди. Жумладан, билим ва маънавиятга эҳтиёж ҳаётда рўй бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини, объектив қонуниятни тушуниш билан боғлиқ маънавиятдир, дейди.

Абу Али ибн Сино эса маданият, маънавиятни илм-билим билан боғлаб ўрганади. Унинг қайд этишича, илмлар иккига — амалий ва назарийга бўлинади.

Назарий билимлар, унинг фикрича, инсоният келажагига дахлдор мақсадларга эришиш учун йўл-йўриқ кўрсатади. Шунингдек, назарий илмлар у дунёда бахтиёр бўлишдан ҳам хабардор қилади.

Амалий илмлар эса бизни ўз хатти-ҳаракатимиздан хабардор қилади. Унинг фойдаси шуки, ушбу дунёдаги ишларимизни йўлга солиш учун нима қилишимиз лозимлигини ўргатади.

Амалий илмларнинг ўзини Абу Али ибн Сино яна учга бўлади: биринчиси, мамлакатни идора қилиш, иккинчиси, уйни идора қилиш, учинчиси, ўз-ўзини идора қилиш.

Олимлар Ҳ.Бобоев ва З.Ғофуровнинг таъкидлашича, Абу Райҳон Беруний илм олишини ўз ҳаётининг лаззати деб билди. Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларнинг илмга талабини келтириб чиқаради. Мутафаккирнинг фикрича, маданиятнинг учта мустақкам илдизи бор. Буларнинг биринчиси — ростлик, иккинчиси — одиллик, учинчиси — адолат.

Буюк бобомиз Алишер Навоий эса борлиқнинг кўрғи, гўзал ва ободлиги инсон туйғулдир, дейди. Унинг қайд этишича, бутун оламни яратишдан мақсад инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичда тенги йўқдир. Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси қилди ва бу тилсим ичда тангри ўзини яширди. Инсоннинг ажойиб жиҳми бир махфий сир хазинаси ўлароқ, ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша хазинада туради ва унга посбонлик қилади. Шунинг учун ҳам инсон бошқа нарсалардан мумтоз қилиб яратилган.

Буюк мутафаккир алломаларимиз таълимотидан шунча кўп иқтибос келтиришимизнинг боиси шундаки, айрим олимлар Марказий Осиёда маданият феномени илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган, унинг моҳияти очиб берилмаган, мазкур феномен ҳодисанинг таърифи берилмаган деб иттиҳ қилади. Аммо юқоридаги қисқача маълумотларнинг ўзи юртимизда маданиятнинг энг муҳим, мукаммал белгилари, замонавий тилда айтганда, маданиятнинг функциялари яратиб бўлинганидан дарак беради.

Ғарб маданиятини асло камситмаган ҳолда таъкидлаш мумкинки, бу маданиятда асосан инсонларнинг билим даражаси ушбу ҳодисанинг рационал маъни сифатида эътироф этилади. Шарқда эса маданият тушунчасининг моҳияти жуда чуқур, фаолият қўлами ўта кенг, бажарishi лозим бўлган вазибалар доираси инсон онгли фаолиятнинг деярли барча жабжаларини қамраб олади. Шу маънода, Шарқ маданияти концепцияси бутунги дунёда инсониятни қундан кун ортиб бораётган турли маънавий-мафкуравий таҳдидлар, инсоннинг камолотга етишига тўсиқ бўлаётган ҳеч буюк зарари оқимлар, сохта, гаразли ғоялар, қурари замнинг барқарор ва мустақкам ривожланишига қарши турган турли хавф-хатарлардан сақлаб қолишининг ишончли воситаси сифатида унинг таъсир кучи энди мамлакатлар ва миллатлар тақдирда

муҳим ўрин эгаллайдиган феномен ҳодисага айланади бўлди.

Шу маънода, янги Ўзбекистон шароитида миллий маданиятни ривожлантириш, унинг жамият аъзолари онги, тафаккурига ижобий таъсирини кучайтиришга қаратилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада, айниқса, 2021 йил 20 январда қабул қилинган “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун мамлакат ва жамият тараққиётида муҳим ўринга эга бўлишини қайд этиш лозим. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар сифатида маънавий, ахлоқий, маданий қадриятларнинг устуворлиги, ижодий фаолиятнинг эркинлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, маданиятларнинг хилма-хиллиги, маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, маданий фаолият соҳасидаги таълим-тарбиянинг тизимлилиги, илмийлиги ва узлуқсизлиги каби муҳим тамойиллар қабул қилингани янги Ўзбекистон маданиятини ижтимоий аҳамияти ортиб бораётганидан дарак беради.

Маълумки, маданият назарияси ва тарихини ўрганиш масаласида муайян ютуқларга эга бўлсак-да, ҳали ҳам айрим масалаларда совет давридан қолган “ярамас мерос” илмий тадқиқотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу жиҳат, асосан, маданият каби мураккаб феномен ҳодисани назарий ва тарихий жабжаларини тадқиқ этиш ва айниқса, соҳанинг функционал вазибалари масаласига тегишли. Давлатимиз раҳбари мазкур масалага алоҳида эътибор бериб, “Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган бугунги кунда биз учун қадимий тарихимиз ва маданиятимизга оид янги илмий тадқиқотлар ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга”, деганида ҳақ эди.

Фанларнинг ривожланиши, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, маданият илмида энг муҳим масала тадқиқотнинг тўғри усулини топа билиш, тарихий жараёнларни ўрганишда энг мақбул йўлни танлашдир. Шуниси маълумки, тарихий жараёнларни, жумладан, маданият тарихи ва назариясини ўрганишда ҳозиргача иккита бир-бирини инкор этувчи ёндашув мавжуд. Уларнинг биринчиси цивилизациявий, иккинчиси формациявий ёндашувдир.

Тарихий жараёнларни формациявий ёндашув асосида ўрганиш собиқ иттифоқ ва социалистик давлатларда кенг амал қилди. Бундай ёндашувга асосан, жамиятни ривожлантиришнинг “ижтимоий-иқтисодий фор-

мациявий ёндашув ва шу асосида маданий жараёнларни тадқиқ этиш эса тарихни сохталаштиришга, жуда кўплаб тарихий-маданий жараёнларнинг ноҳолис ўрганилишига олиб келди. Ўзбек миллий маданияти “сарой маданияти” ва кенг халқ оммасининг маданияти сифатида иккига бўлиб қўйилиши, “Урта Осиё халқлари саводсиз, қолоқ халқ” деган сохта ғоянинг, “пролетар маданияти”, “совет маданияти”,

универсаллиги, тарихни кўп чиқиқлилик, жараёнларни кўп вариантлик деб аниқлашда ёрдам бериши, инсоният тарихининг бирлиги, яхлитлигини инкор этмасдан, балки уни тақозо этиши, цивилизациялар яхлит тизим сифатида бир-бири билан таққосланиши мумкинлигидан иборат. Бу эса тарихий қиёслаш усулини тарихий тадқиқотлар, шунингдек, маданий жараёнларни ўрганишда қўл-лашни тақозо этади.



“шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналмилал маданият” каби атама-ларнинг пайдо бўлишига сабаб ҳозир биз ўрганган тарихий жараёнлар, шунингдек, маданий жараёнларни ўрганишда формациявий ёндашув оқибатидир.

Тарихий жараёнларни, жумладан, маданият тарихини ўрганишда формациявий ёндашувга энг тўрайдиган ҳодиса мазкур жараёнларни тадқиқ этишдаги цивилизациявий ёндашув ҳисобланади. Қатор асарларда ушбу ёндашув XVIII асрда Ғарбда пайдо бўлгани қайд этилади.

Бироқ тарихий жараёнларни цивилизациявий ёндашув асосида ўрганишнинг дастлабки қарашлари энциклопедик олим, мутафаккир, тарихчи, файласуф, давлат ва жамоат арбоби Ибн Халдун томонидан ишлаб чиқилган.



Ибн Халдун “Муқаддима” асарида айрим тарихчилар томонидан тарихий маълумотларнинг гуручини қурмақдан ажратмасдан, барча маълумотларни, ҳатто тўқма хабарлар, тухмат ва бўҳтонларнинг ҳам тўғридан тўғри нақл этилишини танқид қилади. Шунинг учун ҳам олдин инсонларни тафаккур қилишга қарши, ёлгон хабарларга ишонмаслик учун нимага эътибор қилиш кераклигини тушунтиради.

Аллома яратган энг катта илмий янгилик цивилизация масаласи билан боғлиқ. У тарих, цивилизация ва инсонийлик жамиятини уйғун кўради. Мутафаккирнинг қайд этишича, хабарлардаги ҳақиқатни ёлгондан ажратиш учун асос бўладиган қанда инсонийлик жамиятини, яъни цивилизацияни қўздан кечиршиш ва шу табиғатга кўра мавжуд ҳолатлар ва унинг тақозоси ҳисобланган ишларни, шунингдек, ундан ҳисобланмайдиган ва вужудга келиши имконсиз ҳолатларни бир-бириндан ажратишдан иборат. Шундай қилсак, хабарлардаги ҳақиқат ва ёлгонни қатъий равишда ажратиш учун аниқ мезонга эга бўламиз.

Мазкур концепция кейинчалик М.Вебер, А.Тойнби, О.Шпинглер ва бошқалар томонидан янада ривожлантирилди. Тарихий жараёнларни, шунингдек, маданият каби мураккаб ҳодисани ўрганишдаги цивилизациявий ёндашув масаласида ҳали эътишо ҳаққонийлик, адолат, содир бўлган воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда макон ва замоннинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда муносабатда бўлишни талаб этади.

Мазкур ёндашувнинг муҳим жиҳатлари унинг ҳар қандай давлат ёки давлатлар гуруҳига қўллаш мумкинлигиндан иборат бўлган

Олимлар С.Шадманова ва М.Юлдашев таъкидча, ушбу концепция цивилизациялар ривожланишидаги муайян омилларни аниқлашда тадқиқотчиларга у ёки бу мамлакатнинг, халқ ва ҳудуднинг эришган ютуқлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, тарихий жараёнларда ахлоқий-маънавий ва интеллектуал омилга алоҳида эътибор қаратади. Ушбу ёндашувда цивилизацияни таснифлаш ва баҳолашда дин, маданият, менталитет муҳим ўрин тутайди.

Совет даврида маданий жараёнларни ўрганишдаги формациявий ёндашув ўзини оқламади. Марк்சча-ленинча методология асосида маданият соҳасига баҳо бериш назариясининг қисқача таҳлили шуну кўрсатадики, бундай таълимот ижтимоий-тарихий тараққиёт ва халқ руҳияти, маънавий поклиши талабларига жавоб бермагани учун ҳам тарих синовидан ўтмади. Маданият коммунистик мафкуранинг таркибий қисмига айлантирилиши, маънавий жабжаларга маъмурий-буруқбозлик усулида “раҳбарлик” қилиниши, ижодий жараёнда демократик тамойилларнинг тамомил рад этилиши, маданий ҳаётга, бадиий асарга баҳо беришда синфийлик тамойилига суяниш — буларнинг барчаси ўзбек миллий маданиятини халқчиллик тамойилига зарар етказди.

Мустақиллик ҳодисаси бундай методологияни бартафқ эмасди. Яна бир жиҳат маълум эди: марк்சча-ленинча методология жамият аъзоларининг қатор қатламлари онги ва тафаккурига мажбурлаб синдирилганига қарамай, уларни бир зарб билан ва дарҳол бартафқ этиб бўлмасди.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ маданиятнинг методологик-назарий асослари ўзгара бошлади. Кун тартибига маданият каби жуда зарур ижтимоий феномени ташкил этувчи қисмлар ва уларнинг ўз поғонасидаги мажмуалар орасидаги алоқдорликларни аниқлаш ва шу асосда аҳолида жамиятга зарур бўлган маънавийни шакллантириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунинг учун ҳам, аввало, жамият аъзолари ижтимоий онги ва тафаккурини сохта уснурлардан тозалаш лозим эди. Бу эса маънавият, тарбия орқалигина амалга оширилиши мумкин. Иккинчидан, синфийлик, партиявийлик, ғоявийлик каби ақидалардан холи бўлган миллий маданиятимизни ривожлантиришимиз керак.

Бу жуда мураккаб вазифа. Уни ҳал этиш учун эса маданиятнинг функциялари масаласига эътибор бериш зарур. Айримлар маданият функциялари ўзгармас деб ҳисоблайди. Тўғри, маданият соҳасининг ҳар қандай шароитда ҳам ўзгармайдиган функционал вазибалари бор. Масалан, маданиятнинг ахборот тарқатиш, коммуникатив, аксиологик, билиш, нормативлик каби функциялари, назаримизда, ўзгармас мазмунга эга. Улар жамият ва инсон тараққиётида доимо ўзига хос вазибаларни ҳар қандай замон ва маконда бажариши лозим.

Айни пайтда замоннинг шиддат билан ривожланиб бориши, глобал муаммолар мазкур масалага янгича муносабатда бўлишини ҳам талаб этмоқда. Шу маънода, фикримизча, бугун янги Ўзбекистон шароитида маданият функцияларини ўрганишда шахс, жамият, давлат тараққиётига ижобий таъсир кўрсата оладиган, мазмунан янги функциялар ҳақида ҳам гапириш вақти келди деб ўйлаймиз.

Фикримизча, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида маданиятнинг энг муҳим функцияларидан бири мазкур феномен ҳодисанинг ижтимоийлашув функцияси. Ҳамма, ижтимоийлашув бирор-бир воқеа-

ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижтимоий моҳият касб этиб, кўпчиликка дахлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар мужассамига айланиб боришини аниқлашдан тушунчадир. Маданиятнинг ушбу функцияси муҳим вазибалардан бирини бажаради. Ижтимоийлашув ибтидоий одамни ижтимоий цивилизациянинг фаол аъзосига айлантиради. Шуниси маълумки, инсонни жамият тарбиялайди, шакллантиради. Бунинг натижасида одамлар ижтимоий жамиятнинг ичда ўзининг “мен”ни топишга ҳаракат қилади. Жамиятда ижтимоийлашув деганда, одамларнинг бир хил фикрлаши, бир хил ҳаёт тарзини шакллантириш тушунилмайди. Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг индивидуал қиёфасини сақлаб қолишга маданиятнинг ушбу функцияси ёрдам беради.

Маданият ижтимоийлашув функциясининг долзарблигини кўрсатиб турадиган икки сабабга эътибор бериш керак. Биринчиси, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилининг конституциявий мақомга эгаллиги. Иккинчиси, бугунги дунёнинг ҳаддан ташқари глобаллашуви натижасида одамлар ижтимоий онгини захарловчи омиллар, энг аввало, ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсири оқибатида ёшларимиз катта қисмининг виртуал оламга кириб кетиши.

Ижтимоийлашмаган жамиятда жамоавийлик руҳияти ўрнига индивидуалистик қарашлар, самийлик, меҳрибонлик фазилатлари ўрнига кўполик, дағаллик, агрессивлик сифатлари шаклланди. Бундай жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш мумкин эмас. Ижтимоийлашмаган шахсда эса тафаккур ожизлиги, носоглом маънавий эҳтиёж, ҳаётга энгли муносабатда бўлиш, истеъмолчилик кайфияти, “оломон” одам сифатлари устувор аҳамият касб этади. Шу нуқтан назардан, маданиятнинг ижтимоийлашув функцияси бугун ўта зарур ҳодисага айланди.

Маданият функциялари орасида тарбияловчилик функцияси ҳам бугун жуда долзарб аҳамиятга эга бўлиб турибди. Ҳўш, тарбия нима? Тарбия муайян халқнинг минг йиллар давомида шаклланган, ижтимоий таъриб натижасида сайқаланган, авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий таърибни узастига хизмат қиладиган, оила, таълим муассасалари, ижтимоий-сиёсий ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари таъсири остида шахс маънавий дунёсини шакллантириш жараёнини аниқлаш тушунчадир.

Биз бугун жуда кўп нарсани билдирганимиз, ҳамма нарсамга ақлимиз етмайдигандек. Бироқ билганларимизнинг ҳаммаси ҳам ёрдам бервермас экан. Жаҳид бобомиз Абдулла Авлоний бундай дейди: “Инсонларга энг тегишли, маданий ҳаётга, бадиий асарга баҳо беришда синфийлик тамойилига суяниш — буларнинг барчаси ўзбек миллий маданиятини халқчиллик тамойилига зарар етказди. Мустақиллик ҳодисаси бундай методологияни бартафқ эмасди. Яна бир жиҳат маълум эди: марк்சча-ленинча методология жамият аъзоларининг қатор қатламлари онги ва тафаккурига мажбурлаб синдирилганига қарамай, уларни бир зарб билан ва дарҳол бартафқ этиб бўлмасди.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ маданиятнинг методологик-назарий асослари ўзгара бошлади. Кун тартибига маданият каби жуда зарур ижтимоий феномени ташкил этувчи қисмлар ва уларнинг ўз поғонасидаги мажмуалар орасидаги алоқдорликларни аниқлаш ва шу асосда аҳолида жамиятга зарур бўлган маънавийни шакллантириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунинг учун ҳам, аввало, жамият аъзолари ижтимоий онги ва тафаккурини сохта уснурлардан тозалаш лозим эди. Бу эса маънавият, тарбия орқалигина амалга оширилиши мумкин. Иккинчидан, синфийлик, партиявийлик, ғоявийлик каби ақидалардан холи бўлган миллий маданиятимизни ривожлантиришимиз керак.

Бу жуда мураккаб вазифа. Уни ҳал этиш учун эса маданиятнинг функциялари масаласига эътибор бериш зарур. Айримлар маданият функциялари ўзгармас деб ҳисоблайди. Тўғри, маданият соҳасининг ҳар қандай шароитда ҳам ўзгармайдиган функционал вазибалари бор. Масалан, маданиятнинг ахборот тарқатиш, коммуникатив, аксиологик, билиш, нормативлик каби функциялари, назаримизда, ўзгармас мазмунга эга. Улар жамият ва инсон тараққиётида доимо ўзига хос вазибаларни ҳар қандай замон ва маконда бажариши лозим.

Айни пайтда замоннинг шиддат билан ривожланиб бориши, глобал муаммолар мазкур масалага янгича муносабатда бўлишини ҳам талаб этмоқда. Шу маънода, фикримизча, бугун янги Ўзбекистон шароитида маданият функцияларини ўрганишда шахс, жамият, давлат тараққиётига ижобий таъсир кўрсата оладиган, мазмунан янги функциялар ҳақида ҳам гапириш вақти келди деб ўйлаймиз.

Фикримизча, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида маданиятнинг энг муҳим функцияларидан бири мазкур феномен ҳодисанинг ижтимоийлашув функцияси. Ҳамма, ижтимоийлашув бирор-бир воқеа-

Ижтимоий сафарбарлик барча фуқаролар ўз миллати ва мамлақати тақдир учун масъул эканини онгли равишда тушуниб, ўзидagi барча имкониятлар, билим, таъриба, малакаларни ягона мақсад йўлида жамлаб олиш, уларни эзгу мақсадларга эришиш сари сафарбар этиш кўнимасидир.

Айни пайтда жамиятда ижтимоий сафарбарликни амалга ошириш учун ҳар бир фуқаро ўзида эҳтиёж сезиши лозим. Бироқ бу эҳтиёж, албатта, жамият томонидан эътироф этилган ижтимоий эҳтиёжга аҳолининг сезиришига, арзирли бир ишнинг етказиши керак. Шунингдек, жамиятда ижтимоий сафарбарликка эришишнинг энг муҳим омилларидан яна бири давлатнинг ўзи шу сафарбарликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, бундай ҳаракатни рағбатлантириб туришидир.

Маданиятнинг ижтимоий сафарбарлик функцияси, назаримизда, одамларни ҳаётини севиши ва ундан завқ олишга, қийинчиликларга қарши курашиш ва уларни енгиш учун маънавий-маданий куч-қувват керак эканини сездиришга, арзирли бир ишнинг етказиши мақсадида оғир меҳнат қилиш учун сабр-тоқатли бўлишга ўргатиши лозим.

Шунингдек, ўзини бошқаларга ёрдам беришга сафарбар этишни билишга, олдинда турган оғир ва машаққатли меҳнат қарши-сидга ҳақик ва кўрқувни енгиб ўта олиш таърибасига эга бўлишга, ўз олдида аниқ мақсадни кўта билиш, уни амалга ошириш учун эса катта таърибга эга бўлиш, тинмасдан ҳаракат қилиш, ўзи эгаллаган соҳа бўйича назарий ҳамда амалий билимларни муттасил равишда ошириб боришга ундаши зарур.

Ижтимоий сафарбарлик ҳолати, аввало, мардлик, шижоат, ғайрат, ҳушёрлик, тежамкорлик, ўйлаб иш қилиш, инсоф, саховат, камтарлик, раҳм-шафқат каби сифатлар йиғиндиси бўлиб шаклланиши мумкин. Мазкур ҳолатнинг юзага келишига зиён етказадиган шундай салбий сифатлар ҳам борки, уларнинг баъзилари, фикримизча, ялқовлик, шошқалоқлик, бахиллик, ғараз, тасмағирлик, миннат, ҳар бир ишни пайсалга солиш, аниқ режа тузиш амалиёти йўқлиги, ҳафсаласизлик ва бошқалардан иборат.

Маданиятнинг ижтимоий сафарбарлик функцияси бугун айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга кириб кетиши, натижада жамиятда ижтимоийлашув жараёнининг бузилиши, фуқароларни индивидуалистик дунёқарошнинг кучайиб бораётган бир пайтда ўта муҳим ўринга эга деб билимиз.

Маданият функциялари ҳақида фикрлашиш асосида яна бир муҳим масала устида тўхталишга тўғри келади. Гап ёшларимиз орасида тобора авж олиб бораётган истеъмолчилик кайфияти хусусида кетмоқда. Истеъмолчилик инсон ҳаёт тарзининг энг устувор жиҳати эканини эътироф этсак-да, истеъмол қилинган нарсанинг ўзини қоплаш учун уларни яратиш кераклигини унутмаслик лозим. Ҳам моддиятда, ҳам маънавий-маданий ҳаётда истеъмолчилик кайфиятини яратувчилик кайфиятига айлантирмас эканмиз, жамият тараққиётига эришиш қийинлашиб бораверади.

Айниқса, маданият соҳасида истеъмолчиликдан яратувчилик кайфиятига ўтиш жуда мураккаб. Мамлакат раҳбари томонидан бу борада барча имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Уларнинг бари иқтидорли ёшларимизни етиштириш, мавжуд миллий-маданий бойликларимизни янада кўпайтиришга сафарбар этилиши лозим.

Биз бугун барпо этмоқчи бўлган янги Ўзбекистон ва Учинчи Инсонсан, мамлакат раҳбари айтгани каби, реал имкониятларга эга. Ана шу имкониятлар орасида мамлакат ва миллат тақдирига муҳим ўринга эга бўлган маданиятнинг ўрнини алоҳида қайд этиш керак. Чунки эътиқодим ва ҳаётий таърибим асосида айтишим мумкинки, бугун маданият жамият ҳаётидagi ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий-мафкуравий муаммоларни ҳал этишда қудратли кучга айланди. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбарининг “Фарзандларимиз онгиди Ватанга муҳаббат, юртимиз келажагига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига этиш туйғуларини кучайтиришда маънавий-матрифий соҳалар вақиллари, маданият ва санъат намояндалари ҳамда ижод аҳлининг ўрни ва таъсири беқиссидир”, деган фикрларида катта ҳақиқат бор.

Баҳор ниҳоятда кут-баракали келди. Бу одамлар кайфияти, руҳиятида ҳам сезиляпти. Наврўз айёми муқаддас Рамазон ойига ҳамоҳанг, ҳар қачонгидан улғувторлик касб этди. Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан йўллаган табриги эса бу кутлуғ айёмнинг қиймати, моҳиятини янада оширди. Зеро, унда Наврўз барча элу элатларни, жумладан, Марказий Осиё халқларини янада жипслаштираётгани алоҳида таъкидланди.



Жипсликни янада мустаҳкамлашда минтақадаги зиёлилар, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт намояндalarининг ҳиссаси катта экани айтилди. “Сизлар ноёб истеъдодингиз, ақл-фаққуригиз билан азалий қардошлигимизни, муштарак қадрият ва урф-одатларимизни, эзгу интилишларимизни тараннум этадиган асарлар яратиб, ёшларимизни айни шу руҳда тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, халқларимиз сизлардан албатта миннатдор бўлади”, деган жумлалар зиёдиларга илҳом бағишлаб, ғайрат улашганига шубҳа йўқ. Янги Ўзбекистонда-

ги бундай ислохотлар сабаб нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё зиёлиларини ҳам халқларимиз манфаати йўлида бирлаштирмақда.

Буни кўшни давлатлардаги дўстларимизнинг айни фикрлардан миннатдорлик, илқ муносабатларидан ҳам сезиш мумкин. Улар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг қадимий Ўзжанд шаҳрида ўтадиган уч томонлама учрашувни дўстлик ва биродарлик сиёсатининг янги уфқларини кашф этишига ишонч билан қарамоқда.

НАВРЎЗ — МУШТАРАК ИЛДИЗЛАРГА ЭГА ҚАРДОШЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

— Тожикистон ва Ўзбекистонни дўстлик ришталари боғлаб туради деган фикр билан чекланиш алоқаларимиз ҳақида ҳеч нарса демаслик билан баробар. Чунки тожик ва ўзбек халқлари асрлар давомида жуда кўп синовларни бирга енгиб, яшаб келаётган абадий биродарлардир. Халқларимиз доим кўлни қўлга бериб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаган. Миллий характери, тафаккури, турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари жиҳатидан тожик ва ўзбеклар муштарак ва айро қилиб бўлмас халқлардир. Бу бошқа миллатлар ўртасида жуда кам учрайдиган ҳодиса.

Ақбар АБДУЛЛО
(Али Ақбар Абдуллоев),
шоир, Тожикистон ва Ўзбекистон
Ўзвчилар уюшмалари аъзоси:

Ўрта асрларнинг буюк мутафаккирлари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, биз — авлодларга дўстлик, биродарлик ва ўзаро ҳурматнинг юксак намунасини мерос қолдирган. Кейинчалик бу эзгу анъанани янги даврнинг таниқли шахслари — Шароф Рашидов ва Бобожон Гафуров, Гафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Боқи Раҳимзода ҳамда бошқа кўплаб ижодкорлар, зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари давом эттирди. Тожикистон халқ шоири Боқи Раҳимзода ўзбек адабиётининг кўплаб вакиллари билан дўстлик риштасини боғлаган. Улар билан бутун ҳам ҳақиқ равишда фарҳанамиз.

Бугун биз, азалий дўстлар республикаларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган жараёнларни яқиндан ва катта қизиқиш билан кузатиб борамиз. Бу борадаги муваффақият ва янгиликлардан қувонамиз. Яқинда Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз байрамига бағишланган табрик сўзини диққат билан тингладим. Таъкидлаш жоиз, ушбу маърузада ҳам мамлакатдаги, ҳам Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-сиёсий вазият чуқур таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев ўз нутқида замонамизнинг узоқни кўра билувчи сиёсатчиси сифатида мамлакатингиз фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай таъовуздан ҳимоя қилиш, шунингдек, ватандошларнинг кундан кунга ортиб бораётган ҳаётини эҳтиёжларини қондириш Ўзбекистон раҳбариятининг асосий мақсади эканини таъкидлади. Айни пайтда давлатингиз раҳбари глобал вазифаларни кўшни ва бошқа хоржий давлатлар билан фақат тинчлик, юксак дипломатик ҳамкорлик орқали амалга ошириш мумкин эканини айтди.

Икки давлат раҳбарларининг халқларни бир-бирини яқинлаштириш, тинч-товуғ яшашини таъминлаш сиёсатини ҳаётга таъбиқ этишида ижодкор зиёлилар муҳим ўрин тутди. Бу эзгу ишда шоирлар, ёзувчилар ва бошқа санъат намояндalarининг алоҳида ўрни бор.

Тожикистон ва Ўзбекистон адаблари ўз салафларининг тарихий анъаналарини давом эттириб, бойитиб, яқин ҳамкорликда қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида мақсадли ижодий фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон Ўзвчилар



ри уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга чиқди. Фаол алоқаларга киришди. Республикаларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар қардош мамлакат адилларининг ижодий фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда.



Кейинги йилларда мамлакатларимиз Ўзвчилар уюшмалари ташаббуси билан қўшма адабий анжуманлар, форумлар ва бошқа ижодий тадбирлар тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар икки қардош халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугун тожикистонлик 15 дан ортик ижодкор Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси аъзолигига, шунингдек, ўзбекистонлик адиллар Тожикистон Ўзвчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Бундай дўстона муносабат бизда мен ҳам ўзбекистонлик ёзувчилар сафидан деган қарашни шакллантирди.

Ҳозир икки мамлакат ижодкорлари бир-биримизнинг янги нашр этилган асарларимизни чуқур ўрганган. Уларни таржима қилиб, сараланган асарлар антологияси тузиш билан шуғулланмоқда.

2023 йилда Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси аъзоси, шоир Одил Икром тожик-форс классик шоири Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарини ўзбек тилига таржима қилгани учун Абу Абдулло Рудакий номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. 2024 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон Ўзвчилар уюшмаси аъзоси Абдуҷаббор Мўминов 50 дан ортик тожик ёзувчисининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлади. Шу тариқа ўзбек халқи замонавий ва классик тожик адабиёти билан яқиндан танишмоқда.

Шу йилнинг 13-14 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида замонавий тожик адабиёти асосчиси Садриддин Айнинг ижодида бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан адиллар иштирок этди.

Мамлакатларимиз раҳбарлари сўратмаси билан халқларимиз маданияти, санъати ва адабиёти кунларини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилди. Бу халқларимизнинг ўзгичлиги теган аниглаб, кўнгил яқинлигини юксак даражага олиб чиқмоқда.

Бу каби қўшма тадбирларда санъат намояндalarини ҳам фаол. Уларнинг фидойи-

лиги инобатга олиниб, Тожикистон Президентини фармони билан ўзбекистонлик қатер санъаткорларга Тожикистон халқ артисти, тожикистонлик санъаткорларга Ўзбекистон Президентини фармони билан Ўзбекистон халқ артисти юксак унвонлари берилди.

Қадимий байрамимиз Наврўз БМТ томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилгани бизни қувонтиради. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида Наврўз ҳар йили тантанали нишонланмоқда. Бу халқларимизнинг муштарак тарихий маданияти ва қардошлик тинчлигини.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА ЭЪТИБОР БЕРИЛИШИ БИЗНИ ҲАМ ҚУВОНТИРАДИ

Дидар ҚУЛКЕНОВ,
“Тан-Шолпан” адабий журнали
бош директори — таҳририят
кенгаши раиси:



— Қозғистон ва Ўзбекистоннинг стратегик шериклик, иттифоқчилик асосидаги муносабатлари юксалиб бормоқда. Айниқса, ҳозиргидай глобал сиёсий жараёнлар мурракб тус олган вақтда бундай қўшничлик муносабатлари жуда муҳим. Назаримда, ташқи сиёсатда фақат иқтисодий ҳамкорликнинг ўзи етарли эмас. Балки адабиёт, тил, урф-одат ва умумий тарихни чуқур ўрганиш орқали жуда катта натижаларга эришиш мумкин. Қувонариски, кейинги йилларда биродар давлатларнинг яқинлашуви жадаллашди. Бу Марказий Осиё давлатлари орасидаги иттифоқчилик муносабатларида яққол кўзга ташланмоқда.

Биз, кўшни қардош халқлар мустабид тузум даврида бир-биримиздан узоқлашдик. Бир-биримизга ёт қараш шакллантирилди. Мустақилликдан сўнг вазият ўзгарибди. Кейинги йилларда дўстона муносабатлар янги босқичга чиқди. Буни маданий алоқаларнинг бугунги қиёфаси ҳам исботлайди. Ҳар икки

мамлакатда маданият кунлари ташкил этилмоқда. Турли адабий тадбирларни ҳамкорликда, ушқоқлик билан ўтказётганимиз бунинг амалдаги исботи.

Телерадио, босма нашрларда ҳам қардош халқлар маданияти, қадриятларини тарғиб қилишга кенг йўл очиб берилди. Ўзбекистонда қозоқ тилидаги, Қозғистонда ўзбек тилидаги кўрсатув ва эшиттиришлар, газе-та ва журналлар дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилляпти. Жумладан, “Тан-Шолпан” (“Тонг юдузи”) адабий-бадний журнали биродар халқлар адабиётини

ЯГОНА ЎТМИШ, УМУМИЙ МЕРОС — БОҚИЙ ИФТИХОР



Беғижон АҲМЕДОВ,
Қирғиз Республикасида хизмат
кўрсатган маданият арбоби,
Қирғизистон, Ўзбекистон
ва Озарбайжон Ўзвчилар
уюшмалари аъзоси:

— Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Наврўз байрами муносабати билан йўллаган самимий ва илҳомбахш табригида адабиёт, ижод аҳлини, зиёлиларни руҳлантирувчи самимий фикрлар билдириди. Минтақада биродарлик, азалий дўстликни мустаҳкамлашга чорлов ўлароқ айтилган бу фикрлар нафақат ўзбек зиёлиларига, балки бутун Марказий Осиё маданий арбобларига, маънавият посбонларига юксак ишонч ва масъулият оқлади.

Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатларини яқинлаштиришга қаратилган сиёсати нафақат халқ дипломатияси, балки минтақа етакчилари ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясининг мазмунини белгилаб бермоқда. Мазкур гоя Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа кўшни давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам чин қалбдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бу жараёнда зиёлилар — ижодкорлар, олимлар, мутафаккирлар, журналистлар, театр ва кино арбоблари энг муҳим маънавий кўприк вазифасини бажармоқда. Улар халқлар ўртасидаги умумий илдиларни, қардошликни, тарихий муштаракликни ва келажак-

нинг бирлигини тарғиб этадиган, даврнинг фикрлаш парадигмасини шакллантирувчи, етакзувчилардир.

Давлат мустақиллигининг илк ўн йилликларида минтақадаги баъзи зиёлилар ўз халқларининг бошқа кўшни халқлардан устун жиҳатларини санаш, шу гояни бошқаларга етказиш билан машғул бўлди. Бу тарқоқлик, халқларни бир-биридан узоқлаштирадиган нотўғри йўналиш эди. Аслида, умумий вазифа мутлақ бошқа: тарихий ҳақиқат ва маданий адолат мезони асосида аҳилликни — умумий тарих, умумий маданият, умумий тақдирни тараннум этишдир.

Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Айкўл Манас, ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Жомий, Махтумқули, Бобур Мирзо, Рудакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Боласогун ва яна кўплаб буюк зотлар барчамиз учун умумий мерос, умумий ифтихордир. Уларга фақат бир миллат ёки бир давлат доирасида қараш бу буюк шахсларнинг ҳақиқий моҳиятини чеклашдир. Шарқ Ренессансининг илк ва иккинчи тўқлини айнан Марказий Осиё заминида юзага келгани бугун биздан умумий меросни тенг улуғлашни, фахрланишни ва биргаликда тарғиб қилишни, аждодлардан ўрнак олишни талаб этади. Шу маънода, тобора янги босқичга ўтиб бораётган ўзбек-қирғиз адабий ҳамкорлигига хайрихолик кун сайин ортапти. Икки давлат зиёлилари ва ижодкорлари иштирокидаги маърифий тадбирлар тез-тез ташкил этилаётгани мақсадага мувофиқ.

2019 йилда Тошкентда Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси ва Қирғизистон Миллий Ўзвчилар уюшмаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми икки томонлама адабий алоқаларни ривожига хизмат қилляпти. Чингиз Айтматов, Тўлаған Қосимбеков, Мар Бойжиев, Мурза Гапаров сингари иқтидорли қирғиз ёзувчилари асарлари ўзбек дўстларимиз томонидан севиб ўқилгани белгиси. Утган 2024 йилда атоқли ёзувчи, давлат ва жамоат, маданият арбоби, моҳир дипломат Султон Раевнинг “Танланган асарлар”и ўзбек тилида чоп этилгани ҳам фикримизни исботлайди.

Ижодкор дўстларимиз билан суҳбат чоғида қардошларимиз самимият ила “Ўзбекча гапирверинг”, деди. Қизғин, бир-биримизни қийинчиликсиз тушунадиган. Ҳаёт тарзи-ми, қадриятларимиз, дилларимиз, муштарак экани олис масофадан ҳам шундоққина сезилди. Улар бизни, биз уларни меҳмонча қорлардик. Қўнғилга ажиб ёруғлик инди. Бизни қадим илдиларга туташган ва кейинги йилларда янгича қиёфа касб этган Марказий Осиё руҳи бирлаштириб турганини теран ҳис этдик.

қозоқ ўқувчиларига тақдим этиб келмоқда. Журналда туркий халқлар адабиёти “Биродарлар адабиёти” рукнида чоп этилади. Ўзбек адабиёти ҳам шулар қаторида. Мамлакат, 2021 йилда ўзбек ёзувчиси Саид Аҳмадининг ҳикоялари чоп этилди. Шу лойиҳа давом эттирилиб, 2023 йил журналимизда “Ўзбек адабиёти йили” деб эълон қилинди. Утган йили Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳалима Аҳмад, Эшқобил Шукур, Зулфия Қуролбой қизи, Наби Жалолдин, Рустам Мусурмон каби 30 дан ортик ўзбек адабиётининг асарлари нашрдан чиқди. Шу тариқа ўзбек адабиётининг 34 нафар вакили қозоқ ўқувчиларига таништирилди. Журнал муқовасида ўзбекона миллий нақшлар акс эттирилди. Ана шу ҳамкорлик жараёнида Ўзбекистонда адабиётга давлат томонидан катта эътибор қаратилётгани аниқ сездик. Бундан яқин дўст ва қардош сифатида ҳақиқ равишда қувондик.

Келгусида “Тан-Шолпан” журнали ўзбек адабиётининг камиди 52 ёзувчининг асарларини қозоқ тилига таржима қилиб, китоб шаклида нашр этишни режалаштирмоқда. Ушбу китобларнинг иллюстрацияларини ўзбек расмолари тайёрлаётгани бизни беҳад хурсанд қилади. Зеро, бу ўзбек ва қозоқ адабий алоқаларини мустаҳкамлашга қўшилган катта ҳисса бўлади.

Давлатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз муносабати билан йўллаган табригидан биз каби ижодкорларни руҳлантирувчи илқ сўзлар, дўстона тақлифлар ўрин олгани ҳам беғараз дўстликдан далолат. Биз Ўзбекистон Президентининг бирдамликка, яқин дўстликка чорловчи тақлифларини мамнуният билан қўллаб-қувватлаймиз. Бу қаҳрир бизга кўч берди.

Қозоқ ва ўзбек халқларининг тарихий илдизи жуда чуқур. Олтин ўрда давридан бошлаб, ундан ҳам олдин қозоқ ва ўзбек аждодлари бир халқ бўлиб яшаган. Ушандан бери икки халқ ҳеч қачон ажралмаган. Шу сабаб ўзбек ва қозоқ халқ оғзаки ижодида ўхшашлик жуда кўп. Бу тарихий яқинлик икки халқ дўстлигини абадий мустаҳкамловчи янги бадий асарлар учун замин бўла олади.

Барно Исҳоқова ва Хосият Бекмирзаева каби адабиётшуносларимиз ўзбек адабиёти тарғиботида катта ҳисса қўшиб келяпти. Марқабой Ааматов, Нурлан Қалибеков, академик Абдуллоҳон Акматалиев сингари ижодкор ва таржимонлар Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмасининг фахрий аъзоси эканидан ғурурланамиз.

2022 йилда нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жиллик асарлар мажмуасининг 9 жилди қирғиз адабиётига бағишлангани биз, қирғиз ижодкорларига бўлган юксак ҳурмат намунаси. Қирғиз адабиётининг муҳозир хозир ижод билан шуғулланаётган шоир ва ёзувчиларига алоҳида эътибор берилган. Тугалбой Сиддиқбековнинг “Кўк ялов”, Тўлаған Жўдўшевнинг “Манас”, Қосим Сулаймоновнинг “Ваҳийлар салтанати” романлари мажмуага учун махсус таржима қилинди. Мажмуага киритилган асарлардан қирғиз ижодкорлари Мурза Гапаровнинг қисса ва ҳикоялари, Тугалбой Сиддиқбеков, Собир Бурқашев, Қосим Сулаймоновнинг романлари ўш вилотида истиқомат қилувчи ўзбек ёзувчилари томонидан таржима қилиб берилди.

Бугунги таҳликали мутаассиблик, миллатчилик, гиеҳванчилик, ахборот урушлари, глобализмнинг салбий таъсирлари каби таҳдидларга қарши туришда зиёлилар биринчи сафда бўлиши лозим. Зеро, адабиёт, театр, кино, расмоллик, тарихий тадқиқотлар, таълим — бошларнинг барчаси ёш авлод онгидида фикрий иммунитетни шакллантирувчи маънавий қалқондир. Бу қалқон халқларимизни бирлаштиради, қалбларимизни яқинлаштиради, умумий келажак сари етаклайди.

Ижодкор дўстларимиз билан суҳбат чоғида қардошларимиз самимият ила “Ўзбекча гапирверинг”, деди. Қизғин, бир-биримизни қийинчиликсиз тушунадиган. Ҳаёт тарзи-ми, қадриятларимиз, дилларимиз, муштарак экани олис масофадан ҳам шундоққина сезилди. Улар бизни, биз уларни меҳмонча қорлардик. Қўнғилга ажиб ёруғлик инди. Бизни қадим илдиларга туташган ва кейинги йилларда янгича қиёфа касб этган Марказий Осиё руҳи бирлаштириб турганини теран ҳис этдик.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МЎМИНОВА
тайёрлади.**